

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҢДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Умурзақова	
Туркистонда ягона қишлоқ хўжалиги солиғининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Х.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеъриятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор аънаналари	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида аънавий мотив ва тимсолларнинг ўрни	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида)	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Хабибжонов	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларидаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социолингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиёва, М.Қўшматова	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий таҳлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва оналар ҳамкорлиги	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

УДК: 4

ГЕНДЕР ТИЛИ ТАДҚИҚИДА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР
ФИЛОСОФСКИЕ ВОЗЗРЕНИЯ В ИССЛЕДОВАНИИ ГЕНДЕРНОГО ЯЗЫКА
PHILOSOPHICAL VIEWS ON GENDER LANGUAGE STUDY

Хошимова Наргиза¹

¹Хошимова Наргиза

– Фарғона давлат университети.

Аннотация

Гендер тили масаласи замонавий тилшуносликда кенг тадқиқ қилинмоқда. Мақолада гендер тили таърифида борлиқнинг фалсафий категориялари орқали икки жинснинг жисмоний, психофизиологик ва лисоний хусусиятлари таҳлил қилиш масаласи кўрилади. Гендер нутқининг фарқи аёл ва эркак дихотомияси орқали изоҳланади.

Аннотация

Проблема гендерного языка широко исследуется в современной лингвистике. В статье освещаются вопросы анализа физических, психофизиологических и лингвистических особенностей мужского и женского полов через философские категории бытия. Различия гендерной речи толкуются через дихотомию женского и мужского пола.

Annotation

The problem of gender language is widely studied in contemporary linguistics. The article elucidates the matters of analyses of the physical, psycho-physiological and linguistic features of male and female in perspectives of philosophical categories of the existence. The differences in gender speech are interpreted through the male and female dichotomy.

Таянч сўзлар ва иборалар: гендер тили, аёл, эркак, фалсафий категория, ҳиссиёт, мантиқ, жисмоний, лисоний, дихотомия.

Ключевые слова и выражения: гендерный язык, женский, мужской, философская категория, чувства, логика, физический, лингвистический, дихотомия.

Key words and expressions: gender language, female, male, philosophical category, feelings, logics, physical, linguistic, dichotomy.

Оламнинг қонуниятлари, лисоний, динний ва фалсафий масалаларни синергетик тадқиқ қилиш тилшунослик фанининг масалаларини ҳар томонлама пухта ўрганишга замин яратади. Шу туйғайли, тилшуносликда гендер масаласига турли дин, фалсафий категорияларда ўз аксини топган табиат қонуниятлари орқали ёндашиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Олам эркак ва аёл энергиясидан иборатлиги хаммага маълумдир. Айниқса, эркак ва аёл дихотомияси дунё динларида кўзга яққол ташланади. Жумладан, буддизмда инъ ва ян таълимоти, кришнаизмда эса пракрити ва пуруша таълимоти табиатда ва коинотда эркак ва аёл энергетикаси мутлақо фарқланиши ва бир бирига зид омиллар сифатида эътироф этилган. Эркак ва аёл энергетикаси табиатда мавжуд экан, биз буларнинг бир бирига қарама-қарши ҳодисалигини ифодалаш учун америкали психолог ёзувчиси Джон Грейга мурожаат этамиз. У аёллар ва эркаклар муносабатларига, уларнинг ички дунёси турличалигига эътибор қаратиб, икки

жинснинг таъриф-тавсифини бир неча асарлари орқали кўрсатиб берган. Буларда олим эркакларни Марс сайёраси, аёлларни Венера сайёрасининг вакиллари сифатида таърифлаб кетган [9]. Маълумки, Марс ва Венера сайёралари қадимги Рим маъбудаларига бағишланиб номланган. Марс жанг маъбудаси, Венера гўзаллик маъбудаси бўлиб, буларда эркак ва аёлларга хос жисмоний ва психологик хусусиятлар мавжуд. Бунга қараб, Д.Грей аёллар ва эркакларнинг ички дунёсида ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги ва мулоқотда айрим тушунмовчиликларга олиб келишини таъкидлаган.

Эркак ва аёлнинг ички дунёсининг тақдимотида биз йога таълимотига ёндашиб, икки жинснинг психофизиологик жиҳатларининг ифодаланишига алоҳида эътибор қаратамиз. Йога таълимотида эркак ва аёлнинг психофизиологик дунёси фарқланиб, биринчи қатлам, яъни жисмоний қатлам, эркакларда устун бўлиши билан изоҳланади. Шунинг учун, эркаклар жисмонан бақуват ва кучли бўлади. Иккинчи

қатлам эса эмоционал, ҳис-туйғу қатлами аёлларнинг оламида доминантлик қилади. Шунинг учун аёллар эмоционаллик ва ҳис, туйғуни кўпроқ ифодалашади. Учинчи қатлам эса - мантиқий қатлам, эркакларда кучлироқ бўлиб, тўртинчи – интуиция қатлами, яъни ички сезги жараёни аёлларда юқорироқ бўлиши билан фарқланади. Мазкур тўртта қатлам эркак ва аёлларнинг психологик, эмоционал, жисмоний ва мантиқий жиҳатдан ички оламларининг фарқланишига сабаб бўлади. Америкали психолог Д.Грей қарашларида эркаклар кўпол, аёллар юмшоқ, ўзгаларнинг кўнгилига қарайдиган деб, таърифланади [10; 6]. Биз буни бевосита инсоннинг шаклланишида тўртта асосий қатлам сабаблигини эътироф қилишимиз мумкин.

Аёллар ва эркаклар жисмоний, мантиқий, эмоционал жиҳатдан фарқланар экан, уларнинг тилига, қўллаётган сўзларига, гапларига алоҳида урғу бериш тилшуносларнинг эътиборини ҳам қаратган. Ғарб тилшунослари эркак ва аёл тилининг ўзига хос жиҳатларини 19 асрдан бери тадқиқ қилиб келмоқда. Бунинг тадқиқи асосида гендер тушунчаси вужудга келди. Жинс табиий ҳодиса бўлиб, гендер эса ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Демак, аёл ва эркак тили фарқланиши бу тилнинг жамиятда қўлланиши билан бевосита боғлиқдир. Гендер тилини ҳам биз бевосита йога таълимотига асосан тўртта қатламга мансублиги билан боғлашимиз мумкин. Бу, айниқса, лексик сатҳда кўзга яққол ташланади. Эркакларнинг тилида қўлланадиган сўзлар уларнинг жисмоний ва мантиқий доминантлигини ифодалайди. Масалан, гендер тили бўйича тадқиқотларда эркаклар томондан кўпроқ ўзига ишонч ўйғотадиган сифат ва феъллар қўлланиши, уларнинг тили қисқа ва мантиқий ифодаланиши, аёллар томонидан ҳис-туйғу, турли эмоцияларни ифодаловчи сўзлар ва иборалар қўлланганининг таърифларини кузатамиз.

Эркаклар баён қилиш жараёнда фикрларини мантиқий занжир каби билдиради, улар фақат битта мавзу ҳақида суҳбат олиб бориб, ушбу мавзудан четга чиқмайди. Аёллар нутқида эса хронологик кетма-кетлик кузатилмайди, ҳис-туйғуга берилиб, битта мавзудан иккинчисига ўтишлари мумкин. Бу эса янада

эркакларнинг тилида мантиқий олами, аёлларнинг тилида ҳиссиёт олами доминантлигини изоҳлайди.

Эркаклар тилининг мантиқий ифодаланишини И.В.Полевая ўз тажрибаларида кўрсатиб берган. Тадқиқотчи нутқнинг мантиқлиги остида сабаб-натижани ифодалайдиган категорияларга эътибор қаратган. Бундай гаплар, одатда, сабаб-натижани кўрсатувчи сўзлар орқали қўланади: *шундай қилиб, шунинг учун, биринчидан, иккинчидан, агар...* Унинг тадқиқотида асосан эркаклар сабаб-натижани ифодаловчи гапларни аёллардан кўра кўпроқ ишлатар экан, эркакларнинг нутқида фикрлар мантиқий занжир каби ўз ифодасини топиши кўзга ташланади [3]. М.Ч.Чўтпулатов ҳам гендер нутқида бағишланган ўз мақоласида эркак ва аёлларнинг нутқида синтактик жиҳатларига эътибор берар экан, эркакалар сабаб-натиха категорияли мураккаб гапларни, аёллар эса қиёслаш ва таққослаш категорияли мураккаб гапларни ўз нутқида қўллашини таъкидлаган [8].

Шунингдек, эркак ва аёлларнинг нутқида фактларга ёндашиш кўпроқ эркакларга мос ҳосият. И.В.Полеваянинг тажрибасида эркакларда ўз нуқтаи назаридан ифодалаётган гапларни мисоллар орқали тасдиқлаш кўпроқ кузатилди. Демак, эркакларга фактлар орқали исботланаётган ёки ифодаланаётган гапларни тасдиқлаб бериш табиийдир. Бу ҳолат аёлларда ҳам кузатилди, лекин эркакларга нисбатан аёлларда ўз фикрини мисоллар билан тасдиқлаш камроқ учрайди [3].

Гендер тилини ҳамда эркак ва аёллар томонидан кўп қўлланадиган сўзларни текшириш учун қатор ассоциатив тажрибалар ҳам олиб борилган. Бундай тажрибаларда эркак ва аёлларнинг ассоциатив жавоблари таҳлил этилиб, гендер онгининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Е.Горошконинг ассоциатив тажрибаларида ҳамда Э.А.Салихованинг тадқиқотларида эркакларнинг жавоблари экспликативлик (изоҳ берувчи) хусусияти билан ажралиб туради; аёллар эса таъсирчанлик ҳамда ҳиссиёт ифодаловчи ассоциатив реакцияларини келтирганлиги аниқланган [1, 5]. Биз томонидан олиб борилган ассоциатив тажрибада эса ўғил

болалар ва эркалар изоҳловчи реакциялар, қиз бола ва аёллар метафора, цитатали реакцияларини келтирганлигини таърифлаганмиз [7, 37]. Албатта, эркаларнинг изоҳловчи реакциялари уларнинг мантиқан фикрлашини, қиз болалар ва аёллар томонидан берилган метафора, цитаталар эса уларнинг ҳис-туйғу орқали фикр ифодалашини исботи бўлмоқда. Шунингдек, Т.В.Мизюрина ассоциатив майдонлар аёллар томонидан тавсия этилган ҳис-туйғу ва эмоционалликни ифодаловчи реакция-сўзлар билан ажралиб туришини таърифлаган [2]. Н.Ю.Сорокалетова аёллар ўз нутқида ҳиссиётни ифодаловчи ҳамда инсоннинг психологик-эмоционал оламини тасвирловчи феъл ва равишлардан кўпроқ фойдаланишини таъкидлаган [6]. Н.Л.Пушкарёва мулоқотда аёллар экспрессив, таъсирчан ва узун гапларни,

эркаклар эса лўнда, мантиқан қисқа гапларни қўллашини таърифлаган [4]. Ушбу тажрибалар ва тадқиқотлар эркаларнинг мантиқий дунёси устунлиги, аёлларнинг ҳиссий, эмоционал дунёси доминантлигини исботлайди.

Табиатдан эркак ва аёлларнинг жисмоний кўриниши фарқланади. Уларнинг жисмоний олами фарқлиниши билан психофизиологик олами ҳам турлича. Психофизиологик оламга асосан гендер тили фарқлиниши ҳам бежиз эмас. Шунинг учун эркак ва аёллар томонидан қўлланадиган сўзлар, иборалар ва ифодаланадиган гаплар бехосдан уларнинг ички олами билан боғлиқ бўлиб, уларнинг табиатдан турли оламларга (йога таълимотига асосан даражаланиш) мансублигини ва мулоқот жараёнида гендер онг ва тафаккурининг ўзига хос жиҳатларини намоён этади.

Адабиётлар:

1. Горошко Е.И. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента. Кандидатская диссертация. <http://www.google.com.tekstologiya.ru>
2. Мизюрина Т.В. Гендерные особенности мужской и женской устной речи. www.mce.su
3. Полевая И.В. Речевые гендерные стереотипы и их реализация в Российском аналитическом дискурсе. // Диссертация на соискание учён. степ. канд. фил. наук. – М., 2014.
4. Пушкарёва Н.Л. Гендерная лингвистика и исторические науки // Этнографическое обозрение. 2001. №2.
5. Салихова Э.А. Структура ассоциативных полей лексических единиц при детском билингвизме. Дис. канд. филол. наук. – Уфа, 1999.
6. Сорокалетова Н.Ю. Гендерные особенности речевого поведения // Интеграционные процессы в коммуникативном пространстве регионов. Материалы международной научной конференции. – Волгоград, 2010
7. Хошимова Н.А. Ўзбек тилида ассоциатив муносабатлар. Филология фанлари бўйича фалсафа докторлиги даражасини олиш учун дисс. – Фарғона, 2018.
8. Чутпулатов М.Ч. Гендерная лингвистика: узбекская мужская и женская речь. // Вестник РУДН, серия Теория языка. Семиотика. Семантика, 2016, № 3.
9. Gray, John. Men are from Mars, women are from Venus: a practical guide for improving communication and getting what you want in your relationship. -New York: harpercollins publishers. 1992.
10. Voegeli F. Differences in the speech of men and women. Linguistic construction and performance of gender: The German subtitling of gender-specific English in the documentary *venus boyz*. *Theoriearbeit*. 2005. yumpu.com